

Газ баллонли автомобилларга сиқилган газ тўлдириб бериш тўғрисидаги шартнома

“05” январь 2022 й.

№ 3

Богот тумани

Богот туманида жойлашган “OXANGARON GAS TA'MINOT” масъулияти чекланган жамияти (бундан кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади) номидан корхона уставига мувофиқ унинг директори Раимов С. ва Узгастроинспекция ХФ Вил Дамс (бундан кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан корхона уставига мувофиқ унинг раҳбари В.В. Ш. Шарипов куйидаги мазмундаги шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни.

1.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг сиқилган газ тўлдириш учун жиҳозланган автомобилларига ўзининг газ тўлдириш компрессор станцияси орқали куйидаги миқдор ва муддатларда газ тўлдириб беради:

Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	2022 йил давомида	шу жумладан йил чораклари бўйича:			
			I чоракда	II чоракда	III чоракда	IV чоракда
Сиқилган табиий газ	м ³	660	660	-	-	-

1.2. “Истеъмолчи” сиқилган газ тўлдирадиган автомобиллар рўйхатини тақдим қилиб, уларнинг оладиган гази учун етадиган миқдордаги маблағни “Таъминотчи” нинг банкдаги ҳисоб-рақамига олдиндан ўтказиб беради. Тўловлар шартномага асосан олдиндан 30% (фоиз) амалга оширилади.

1.3. Автомобиллар баллонига газ тўлдирилган сана, сиқилган газ (кейинги ўринларда “Товар” деб юритилади) етказиб берилган кун ҳисобланади.

2. “Товар”нинг баҳоси ва шартнома суммаси.

2.1. Ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган “товар”, корхона харажатларини тўлиқ инобатга олиб, унга корхона фаолиятини нормал амалга ошириши учун зарур бўладиган энг минимал фойдани ҳам қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқилган калькуляцияларга мувофиқ сотилади.

2.2. Шартнома тузилган санада 1 м³ сиқилган газни сотиш баҳоси, қўшилган қиймат солиғини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, **2550** сўмни ташкил қилади.

2.3. Ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган “товар” нинг умумий ҳажми 1683 000,00 сўмни ташкил қилади.

2.4. Шартнома амалда бўлган давр ичида “товар” баҳосининг асосий қисмини ташкил қилувчи табиий газ ва электр энергиянинг баҳоси ўзгарса, сиқилган газнинг ҳам баҳоси ўзгариши мумкин, ундай ҳолда “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га бу ҳақда хабар бериб томонларнинг келишувига асосан шартномага қўшимчалар киритилади.


3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. “Таъминотчи” куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.1.1. Сиқилган газ тўлдириш учун шаҳобчага келган автомобилларнинг газ ускуна ва курулмаларидан тўғри фойдаланилаётганлигини, назорат-ўлчов асбоб-анжомларининг созлигини текшириши зарур.

3.1.2. Ҳайдовчининг ёнида сиқилган газ қурилмаси ўрнатилган автомобилни эксплуатация қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва автомобиль йўл варақасининг мавжудлигини текшириши лозим.

3.1.3. Газ тўлдириш шаҳобчасида газ беришни чеклаш билан боғлиқ бўладиган ускуналарнинг жорий ёки капитал таъмирлаш режалаштирилаётган бўлса бу тўғрида “Истеъмолчи”ни жорий таъмирлашдан 3 кун олдин, капитал таъмирлашдан 15 кун олдин огоҳлантириши лозим.



3.2. "Истеъмолчи" куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.2.1. Газ баллонли автомобилларга газ тўлдириш учун амалдаги қоидаларга биноан рухсатнома олиши лозим.

3.2.2. Газ баллон ускуналари ўрнатилган автомобилларнинг техник ҳолатига, уларни эксплуатация қилишда техника хавфсизлигига, шунингдек ёнғин, санитария ва экология хавфсизлигига риоя қилинишига жавоб беради.

3.2.3. Автомобилларига ўрнатилган газ баллон ускуналарини соз ҳолда сақланишини таъминлайди.

3.2.4. Автомобилнинг йўл варақасига ўрнатилган газ баллонларининг сони, уларнинг техник ҳолати ва геометрик ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ёзиб боради.

3.2.5. Истеъмол қилинадиган сиқилган газ ҳажмининг миқдори кескин ўзгариши кутилаётган бўлса, бу ҳақда "Таъминотчи" ни 15 кундан кам бўлмаган муддатда огоҳлантириши зарур.

4. Етказиб берилган газ миқдорини аниқлаш.

4.1. "Истеъмолчи"га етказиб бериладиган сиқилган газ миқдори шахобчада ўрнатилган ўлчов асбобининг кўрсаткичи бўйича аниқланади.

5. Форс-мажор вазиятлари тўғрисида.

5.1. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" етказиб берадиган ва қабул қилиб оладиган сиқилган газ миқдори режалаштирилганидан кам бўлган тақдирда ҳам куйидаги форс-мажор вазиятларда жавобгарликка тортилмайдилар:

5.1.1. Магистрал газ қувурларида, маҳаллий газ трубаларида ва электр тармоқларида авария содир бўлганида ёки таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан таъминот тўхтатиб турилганида.

5.1.2. Табиий офатлар ва ёнғин содир бўлган вазиятларда.

5.1.3. Ҳукумат қарорлари ва бошқа ваколатли органлар кўрсатмаларига биноан таъминот қисман ёки тўла тўхтатилганида.

6. Келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиблари.

6.1. Томонлар шартнома доирасидаги ўз муносабатларини "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида олиб борадилар.

6.2. Шартномани бажариш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шартномада кўрсатилмаган, лекин ҳамкорлик қилиш даврида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммолар, ўзаро келишув асосида ёки амалдаги қонунлар асосида ечилади.

7. Шартноманинг амал қилиниш муддати.

7.1. Шартнома имзоланган кунидан 2022 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатга тузилди.

8. Томонларнинг реквизитлари.

"Таъминотчи"

"OXANGARON GAS TA'MINOT" МЧЖ

Богот тумани Нурафшон МФЙ

"InfinBANK" Тошкент шаҳар Амалиёт

бўлимидаги ҳисоб рақами

20208000005165004001 МФО 01041

ИНН: 307033981 ОКЭД 47300

Тел: +998907386878

Раимов С.

"Истеъмолчи"

Agrosanoat majmui ustidan nazorat
qilish inspeksiya'si

Xorazm viloyat boshqarmasi
INN: 237277554; OKED: 84111

Manzil: Urganch sh. A. Baxodirxon k. 180/1-uy
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi

I/ir: 23402000300100001010

Bank: Markaziy bank BB HKKM

MFO: 00014 INN: 201122919

QHXV: 100021860334017042107080001



В.В.С. [Signature] Ш. Шериев